

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

.. 27 .. Январь 2018 й. г. № 62

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Республиқада хориж тажрибаси асосида аччиқ қалампир  
етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини диверсификация қилиш, фермер ва деҳқон хўжаликлари даромадини ошириш, рақобатбардош ва сифатли маҳсулотларни етиштириш ҳамда экспорт ҳажмларини кўпайтириш, бу борада илғор хорижий тажрибалардан оқилона фойдаланиш, хусусан, аччиқ қалампир етиштириш бўйича замонавий, ресурсларни тежайдиган технологияларни кенг кўллаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари ҳамда Наманган вилоятининг Мингбулоқ ва Фарғона вилоятининг Бувайда туманлари ҳокимликларининг 2018 йил ҳосили учун фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида аччиқ қалампир етиштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2018 йил ҳосили учун фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида аччиқ қалампир етиштириш бўйича прогноз кўрсаткичлар 1-иловага мувофиқ;

Хорижий тажриба асосида худудларда аччиқ қалампирни етиштириш, йиғиштириб олиш, қайта ишлаш ва экспорт қилишни ташкил этиш бўйича республика ишчи гурӯҳи (кейинги ўринларда Республика ишчи гурӯҳи деб аталади) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика ишчи гурӯҳи (Вахабов)га:

аччиқ қалампир экинларини экиш, парвариш қилиш, етиштириш ва қайта ишлаш бўйича илғор замонавий технологияларни жорий этиш;

маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, ҳудудларни аччиқ қалампир етиштиришга ихтисослаштириш ва аччиқ қалампир экинлари навларини фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкалари кесимида жойлаштириш;

аччиқ қалампир кўчнатини етиштириш учун иссиқхона ва кўчнатхоналарни тайёрлаш;

аччиқ қалампир уруғларини ўз муддатида ва сифатли экиш учун 2018 йил 15 февралгача белгиланган ер майдонларини тайёрлаш ишларини яқунлаш;

2018 йил март-апрель ойларида фермер хўжаликлари буюртмасига асосан уларнинг ерларига хориждан келтириладиган юқори ҳосилли аччиқ қалампир навларининг тўлиқ экилишини таъминлаш;

юқори ҳосилли аччиқ қалампир навлари экилган майдонларда соҳа мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар асосида агротехника тадбирлари амалга оширилишини ташкил этиш вазифалари юклансин.

4. «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компаниясининг худудий «Қалампир» масъулияти чекланган жамиятларини ташкил этиш ва қуидагиларни уларнинг асосий вазифалари этиб белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида аччиқ қалампир экинларини экиш учун талаб этиладиган уруғлик ва кўчатларни етказиб бериш ҳамда ушбу мақсадда замонавий кўчатхоналарни ташкил этиш;

фермер, дехқон ва томорқа хўжаликларини аччиқ қалампир етиштириш учун шартнома асосида бўнак маблағлари ва заруриятига кўра моддий-техника ресурслари билан таъминлаш;

ажратилган экин майдонларида аччиқ қалампир маҳсулотларини ундириб олиш ҳамда агротехника тадбирлари ўз вақтида, сифатли ўтказилишини ташкил этиш;

аччиқ қалампир маҳсулотларини етиштирувчи фермер, дехқон хўжаликлари бошлиқлари ва томорқа ер эгаларига маркетинг хизматлари кўрсатиш;

фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида етиштирилган аччиқ қалампирни олдиндан тузилган (фьючерс) шартномаларга асосан харид қилиш;

етиштирилган аччиқ қалампирни қайта ишлаш ва экспорт қилиш.

5. «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

ўн кун муддатда худудий «Қалампир» масъулияти чекланган жамиятларини белгиланган тартибда ташкил этилишини;

ўн беш кун муддатда худудий «Қалампир» масъулияти чекланган жамиятлар юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини;

бир ой муддатда худудий «Қалампир» масъулияти чекланган жамиятлар фаолият юритиши учун зарур бўлган бино ва иншоотлар ажратилишини;

худудий «Қалампир» масъулияти чекланган жамиятлар буюртмасига мувофиқ қалампир қўчатини экадиган техника ҳамда қалампир қуритиш линияларининг харид қилинишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш давлат комиссияси ва Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаш ва назорат қилиш маркази юқори ҳосилли аччиқ қалампир навлари уруғларини хориждан, шу жумладан Индонезия Республикасидан олиб келиш учун талаб этиладиган хужжатларнинг қисқа муддатларда расмийлаштирилишини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Ўзагрохимо» АЖ, Тошкент давлат аграр университети ва Сабзавот, полиз экинлари ва картошканий илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда 2018 йилнинг 5 февралига қадар:

республика худудларининг тупрок-иклим шароитларидан келиб чиқиб, аччиқ қалампир экинлари навларини танлаш, уруғлик тайёрлаш, кўчат тайёрлаш ва экиш, парвариш қилиш, агротехника тадбирларини ўтказиш, касаллик ва зааркунандаларга қарши курашиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилиб, аччиқ қалампир етиштирувчи фермер, дехқон хўжаликлари бошлиқлари ва томорқа ер эгаларига етказилишини таъминласин;

2018 йил февраль ва март ойларида фермер, дехқон хўжаликлари бошлиқлари ва томорқа ер эгалари иштирокида хорижий технологиялар асосида аччиқ қалампир экинлари навларини танлаш, уруғлик тайёрлаш, кўчат тайёрлаш ва экиш, парвариш қилиш, агротехника тадбирларини ўтказиш, касаллик ва зааркунандаларга қарши курашиш бўйича жойларда кўргазмали ўқув-семинарларни ташкил этиш режа-графигини тасдиқласин ва ижросини таъминласин.

8. «Агробанк» акциядорлик тижорат банкига қалампир етиштирувчи тадбиркорлик субъектларига қалампир уруғларини харид қилиш, экиш, кўчат ва маҳсулот етиштириш, иссиқхоналар қуриш, моддий-техника ресурсларини сотиб олиш, айланма маблағларни тўлдириш ва агротехника тадбирларини амалга ошириш учун қонун хўжжатларида белгиланган тартибда имтиёзли кредитларни ажратиш, шу жумладан иш ҳақи тўловлари учун нақд пул билан ўз вақтида таъминлаш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг буюртмасига асосан республикада аччиқ қалампир етиштиришни кўпайтиришга хориждан жалб этиладиган мутахассисларга кириш визаларини консулилк ва бошқа йиғимларсиз расмийлаштирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг буюртмасига асосан республикада аччиқ қалампир етиштиришни кўпайтириш мақсадида хориждан жалб этиладиган мутахассисларга давлат божи ундирилмаган ҳолда кўп марталик визалар берилишини ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтингчалик яшаш жойида вақтингча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтингча рўйхатдан ўтказиш муддатининг узайтирилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т.Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил «27» январ даги 62 сон қарорига  
1- илова

**Корақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2018 йил ҳосили учун фермер, деҳқон хўжаликлари  
ва томорқа ер участкаларида ачниқ қалампир ётиштириш бўйича  
ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАР**

Т/р	Туманлар номи	Экин майдони, га	Ҳосил-дорлик, ц/га	Ялпи ҳосил, тонна	Шу жумладан					
					Фермер хўжаликларида			Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида		
					майдон, га	ҳосил-дорлик, ц/га	ялпи ҳосил, тонна	майдон, га	ҳосил-дорлик, ц/га	ялпи ҳосил, тонна
<b>Корақалпоғистон Республикаси</b>										
1	Тўрткўл	2500	120	30000	1890	120	22680	610	120	7320
2	Беруний	5000	120	60000	5000	120	60000			
3	Элликқалъа	2500	120	30000	2500	120	30000			
4	Амударё	2500	120	30000	2000	120	24000	500	120	6000
5	Хўжайли	300	120	3600	240	120	2880	60	120	720
6	Тахиатош	200	120	2400	160	120	1920	40	120	480
7	Шуманай	220	120	2640	220	120	2640			
8	Қонликўл	220	120	2640	175,5	120	2106	44,5	120	534
9	Қўнғирот	220	120	2640	176	120	2112	44	120	528
10	Нукус	600	120	7200	500	120	6000	100	120	1200
11	Кегейли	220	120	2640	176	120	2112	44	120	528
12	Чимбой	200	120	2400	160	120	1920	40	120	480
13	Қораўзак	220	120	2640	220	120	2640			
14	Тахтакўпир	100	120	1200	80	120	960	20	120	240
	<b>Жами</b>	<b>15000</b>	<b>120</b>	<b>180000</b>	<b>13498</b>	<b>120</b>	<b>161970</b>	<b>1503</b>	<b>120</b>	<b>18030</b>

Т/р	Туманлар номи	Экин майдони, га	Хосил-дорлик, ц/га	Ялпи ҳосил, тонна	Шу жумладан					
					Фермер хўжаликларида			Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида		
					майдон, га	ҳосил-дорлик, ц/га	ялпи ҳосил, тонна	майдон, га	ҳосил-дорлик, ц/га	ялпи ҳосил, тонна
<b>Бухоро вилояти</b>										
1	Бухоро	35	120	420	30	120	360	5	120	60
2	Вобкент	35	120	420	30	120	360	5	120	60
3	Жондор	35	120	420	30	120	360	5	120	60
4	Когон	25	120	300	20	120	240	5	120	60
5	Қоракўл	25	120	300	20	120	240	5	120	60
6	Коровулбозор	20	120	240	20	120	240			
7	Олот	25	120	300	20	120	240	5	120	60
8	Пешку	35	120	420	30	120	360	5	120	60
9	Ромитан	35	120	420	30	120	360	5	120	60
10	Шоғиркон	35	120	420	30	120	360	5	120	60
11	Ғиждувон	35	120	420	30	120	360	5	120	60
12	Бухоро шаҳри	10	120	120	10	120	120			
	<b>Жами</b>	<b>350</b>	<b>120</b>	<b>4200</b>	<b>300</b>	<b>120</b>	<b>3600</b>	<b>50</b>	<b>120</b>	<b>600</b>
<b>Фарғона вилояти</b>										
1	Бувайда	300	130	3900	220	130	2860	80	130	1040
<b>Наманган вилояти</b>										
1	Мингбулоқ	213	130	2769	208	130	2704	5	130	65
<b>Қашқадарё вилояти</b>										
1	Қарши	55	130	715	40	130	520	15	130	195
2	Миришкор	500	130	6500	250	130	3250	250	130	3250
3	Яккабоғ	130	130	1690	80	130	1040	50	130	650

Т/р	Туманлар номи	Экин майдони, га	Хосил-дорлик, ц/га	Ялпи ҳосил, тонна	Шу жумладан					
					Фермер хўжаликларида			Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида		
					майдон, га	ҳосил-дорлик, ц/га	ялпи ҳосил, тонна	майдон, га	ҳосил-дорлик, ц/га	ялпи ҳосил, тонна
6	Касби	55	130	715	40	130	520	15	130	195
9	Чироқчи	50	130	650	30	130	390	20	130	260
11	Китоб	130	130	1690	80	130	1040	50	130	650
12	Шаҳрисабз	130	130	1690	80	130	1040	50	130	650
13	Нишон	10	130	130				10	130	130
14	Косон	20	130	260				20	130	260
15	Қамаши	20	130	260				20	130	260
<b>Жами</b>		<b>1100</b>	<b>130</b>	<b>14300</b>	<b>600</b>		<b>7800</b>	<b>500</b>	<b>130</b>	<b>6500</b>
<b>Хоразм вилояти</b>										
1	Богот	18	120	216	15	120	180	3,0	120	36
2	Гурлан	12,2	120	146	10	120	120	2,2	120	26,4
3	Қўшкўпир	11,6	120	139	10	120	120	1,6	120	19,2
4	Урганч	21,8	120	262	20	120	240	1,8	120	21,6
5	Хазорасп	14	120	168	10	120	120	4,0	120	48
6	Хонқа	17,1	120	205	15	120	180	2,1	120	25,2
7	Хива	22,9	120	275	20	120	240	2,9	120	34,8
8	Шовот	11,6	120	139	10	120	120	1,6	120	19,2
9	Янгиариқ	12,5	120	150	10	120	120	2,5	120	30
10	Янгибозор	12,1	120	145	10	120	120	2,1	120	25,2
<b>Жами</b>		<b>153,8</b>	<b>120</b>	<b>1846</b>	<b>130</b>	<b>120</b>	<b>1560</b>	<b>23,8</b>	<b>120</b>	<b>285,6</b>
<b>Республика бўйича жами</b>		<b>17117</b>	<b>121</b>	<b>207015</b>	<b>14956</b>	<b>120</b>	<b>180494</b>	<b>2161</b>	<b>123</b>	<b>26521</b>

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил «27» январдаги 62 сон қарорига  
2 - илова

**Хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида ҳудудларда аччиқ қалампирни  
етиштириш, йиғиштириб олиш, қайта ишлаш ва экспорт қилишни ташкил  
этиш бўйича республика ишчи гурухи**

### ТАРКИБИ

1. А.Вахабов
  2. Т.Жалилов
  3. С.Ходжаев
  4. И.Эргашев
  5. Б.Юсупов
  6. Ш.Нурматов
  7. И.Курбонов
  8. Б.Сулаймонов
  9. Р.Хакимов
  10. Ф.Қирғизбоев
  11. Ф.Эрманов
  12. Р.Комилов
  13. Т.Рафиков
  14. А.Турсунов
  15. лавозими бўйича
- Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринbosари, *Республика ишчи гурухи раҳбари*
  - «Ўзбекозикоқатхолдинг» холдинг компанияси бошқаруви раиси, *Республика ишчи гурухи раҳбарининг ўринbosари*
  - «Агробанк» АТБ бошқаруви раиси,  
*Республика ишчи гурухи раҳбарининг ўринbosари*
  - Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси бошлиғи
  - Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
  - Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш давлат комиссияси раиси
  - Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаш ва назорат қилиш маркази бошлиғи
  - Тошкент давлат аграр университети ректори
  - Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори
  - Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи
  - Беруний тумани ҳокими
  - Миришкор тумани ҳокими
  - Мингбулоқ тумани ҳокими
  - Бувайдад тумани ҳокими
  - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ва Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринbosарлари

